

Рисолат



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ДЕРМАЗОЛ® ПЛЮС

**Препаратнинг савдо номи:** Дермазол® Плюс

**Таъсир этувчи моддалар (ХПН):** кетоконазол ва рух пиритиони.

**Дори шакли:** шампунь

**Таркиби:**

Шампуннинг ҳар бир мл куйидагиларни сақлайди:

**фаол моддалар:** 20 мг кетоконазол; 10 мг рух пиритионига эквивалент бўлган рух пиритионининг сувдаги 48% ли суспензияси;

**ёрдамчи моддалар:** натрий лаурил эфир сульфати, кокодиэтаноламид, пропиленгликоль, динатрий монолаурил эфир сульфосукцинати, макрогол 120 метилглюкоза диолеати, концентрацияланган водород хлориди кислотаси, натрий хлориди, натрий гидроксид пеллети, бутилланган гидрокситолуол (E321), буёк Понсо 4R Супра (E124), имидомочевина, AL 012514 ароматизатори, алоэ вера кукуни ва тозаланган сув.

**Таърифи:** ўзига хос ҳидга эга пушти рангли қовушқоқ суюқлик.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** сиртга қўллаш учун замбуруғларга қарши препаратлар.

**АТХ коди:** D01AC.

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

Шампуннинг фармакологик хусусиятлари унинг таркибига кирувчи фаол субстанциялар: кетоконазол ва рух пиритиони характеристикаларига боғлиқ.

Кетоконазол имидазол диоксаланнинг синтетик ҳосиласи бўлиб, дерматофитларга (*Epidermophyton spp.*, *Microsporum spp.*, *Trichophyton spp.*), турли штаммлардаги ачитқилар ва ачитқисимон замбуруғларига (*Candida spp.*, *Malassezia furfur* – *Pitysporum ovale*) нисбатан замбуруғларга қарши ва фунгистатик фаолликни таъминлайди.

Сиртга қўлланилганида рух пиритиони суспензияси микробларга қарши ва замбуруғларга қарши фаолликни намоён қилади; стрептококклар, стафилококклар, замбуруғлар ва касаллик келтириб чиқарувчи организмларга қарши самаралидир. Рух пиритиони препаратнинг себореяга қарши таъсирини белгилайди ва қазғоқ билан курашади. Кетоконазол сақловчи шампунь одатда қазғоқ, себореяли дерматит ва рангбаранг темиртки билан кечадиган кепакланиш ва қичишишни камайтиради.

Алоэ вера кукуни сочларга намлантирувчи таъсир кўрсатади, витаминлар ва микроэлементлар билан бойишига ёрдам беради.

#### Фармакокинетикаси

Шампунь фармакокинетикасига доир махсус тадқиқотлар ўтказилмаган бўлиб, бироқ ташқи қўлланилганида кетоконазол ва рух пиритиони умумий қон айланиши тизимига деярли ўтмайди ва мувофиқ равишда тизимли таъсирга эга эмас.

### Қўлланилиши

- Қазғоқ;
- себореяли дерматит;
- бош терисида рангбаранг маҳаллий темиртки каби кепакланиш ва қичишиш билан кечувчи бош териси замбуруғли касалликларини даволаш ва олдини олишда қўлланилади.

### Қўллаш усули ва дозалари

Ишлатилишидан олдин яхшилаб аралаштириш лозим.

Шампунни нам сочларга ва бош терисига 3-5 минутга суртинг, сўнгра сув билан ювиб ташланг.

Катталар учун тавсия этиладиган қўллаш схемаси:

Кўрсатма	Даволаш	Профилактика қилиш
Қазгоқ	2-4 ҳафта давомида	Ҳафтада 1 марта ёки
Себореяли дерматит	ҳафтада 2 марта;	2 ҳафтада 1 марта
Рангбаранг темиртки	5 кун давомида ҳар куни	Ёзги даврдан олдин 3 кун давомида ҳар куни (бир марталик даволаш курси)

### Ножўя таъсирлари

*Тери ва тери ости клетчаткалари томонидан бузилишлар:* терини қизариши, ачишиши, кичишиш, акне, контакт дерматит, терини таъсирланиши, тошмалар, суртиш жойида пустулёз тошма, эшакеми, ксероз, терини юқори даражада кепакланиши, дискомфорт хисси, ўта юқори сезувчанлик, тери қопламасини ўзгариши.

*Тери ҳосилалари томонидан бузилишлар:* соч структурасини ўзгариши, сочнинг ўта қуруқлиги ёки ёглилиги, соч тўкилиши (аллопеция), соч рангини ўзгариши (одатда сочлари кимёвий шикастланган ёки оқарган пациентларда), тирноқлар рангини йўқолиши. Табиатан жингалак бўлган сочларни тўғриланиши ҳолатлари учраган.

*Нерв тизими томонидан бузилишлар:* таъмни бузилиши (дисгевзия), парестезия, ўта юқори сезувчанлик.

*Иммун тизими томонидан бузилишлар:* ўта юқори сезувчанлик реакциялари, шу жумладан анафилактоид реакциялар, ангиоёдема.

*Кўриш аъзолари томонидан бузилишлар:* кўз шиллик қаватларини ачишиши, қовоқларни шиши, ҳаддан ташқари кўп кўз ёши ажралиши.

*Инфекциялар ва инвазиялар:* фолликулит кузатилиши мумкин.

### Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Кетоконазол, рух пиритиони ёки препаратнинг ҳар қандай бошқа компонентларига ўта юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

### Дориларнинг ўзаро таъсири

Дермазол® Плюс препарати сиртга қўллаш учун глюкокортикостероидлар билан узоқ вақт даволанган пациентларга буюрилганида, 2-3 ҳафта давомида **қўллашни** аста-секин тўхтатиб борган ҳолда (препарат қўлланилишини бекор қилиш синдроми юзага келишини олдини олиш учун) даволашни давом эттириш мумкин.

Сезиларли тизимли сўрилиши камлигини эътиборга олган ҳолда, бошқа тиббий препаратлар билан ўзаро таъсири эҳтимоли кам.

Глюкокортикостероидларни сақлайдиган дерматологик препаратлар билан бир вақтда қўллашниш тавсия этилмайди.

### Махсус кўрсатмалар

Препарат фақат сиртга қўллаш учун мўлжалланган.

Шампундан фойдаланилганда уни кўзларга ва кўзларнинг шиллик қаватларига тушишидан эҳтиёт бўлинг.

Кўзларга тушганида сув билан яхшилаб ювиш лозим.

Себореяли дерматит ва қазгоқ кўпинча сочларни юқори даражада йўқотилиши билан кечади, у айрим ҳолларда шампундан фойдаланишнинг бошланишида бир мунча муддат давом этиши мумкин.

Препарат бутилланган гидрокситолуол (Е321) сақлайди, у маҳаллий тери реакцияларини (масалан, контакт дерматитни) ёки кўзлар ва шиллик қаватларнинг ачишишини келтириб чиқариши мумкин.

### **Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши**

Ҳомиладорлик ва лактация даврида фақат она ҳолатининг кутиладиган яхшиланиши ҳомила/бола учун потенциал хавфдан юқори бўлганидагина ушбу препаратдан фойдаланиш мумкин.

### **Болалар**

Препаратни болаларда қўллаш тажрибаси йўқ.

### **Транспорт воситасини бошқариш ва бошқа механизмлардан фойдаланиши қобилиятига таъсири**

Дермазол® Плюс шампунь автомобилни бошқариш ва бошқа механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир кўрсатмайди.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Ушбу шампунь фақат сиртга қўллашга мўлжалланганлиги ва кетоконазол умумий қон айланиши тизимига деярли ўтмаслиги туфайли, мувофиқ равишда, дозани ошириб юборилиши симптомларининг ривожланиши эҳтимоли кам. Шампунь тасодифан ютиб юборилганда, тутиб турувчи ва клиник чоралардан фойдаланинг. Аспирацияни олдини олиш учун қусишни келтириб чиқарманг ва меъдани ювишни амалга оширманг.

### **Чиқарилиш шакли**

60 мл ёки 120 мл флаконлар. 50 мл ёки 100 мл дан шампунь юқори зичликка эга полиэтилендан тайёрланган “ёқали”, қайтарма очиладиган қалпоқчали оқ рангли бураладиган қопқоқли флаконларда. Флаконнинг оқ рангли бураладиган қопқоғи ПВХ-иссиқда қисқарувчи плёнкага ўралган. Ҳар бир флакон тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

### **Сақлаш шароити**

Курук, ёруғликдан ҳимояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилиқ муддати**

3 йил.

Препарат яроқлилиқ муддати тугагандан сўнг қўлланилмасин.

### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

### **Ишлаб чиқарувчи**

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

### **Манзили**

SP-289(A), RIICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларнинг сифати бўйича эътирозларни (таклифларни) қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:**

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 16А-уй.

Тел.: +998 (78) 150 97 97; факс: +998 (78) 150 97 87

Уяли тел.: +99893 388 87 82;

E-mail: [pv@kusum.uz](mailto:pv@kusum.uz)